

“Ўзметкомбинат”АЖ

Бошкарув раиси- бош директор



Р.Х.Пирматов

“Ўзметкомбинат” АЖда ўтказилган йигилиш БЛЁНИ

2023-йил 7-август

Бекободлш

Раислик кибуучи:

Р.Х.Пирматов –“Ўзметкомбинат” АЖ бошкарув раиси-бош директор.

Катнашылар:

М.Холикова- “Ўзметкомбинат”АЖ аёллар кенгаши раиси, Ш.Мирбабаева “Ўзметкомбинат”АЖ аёллар кенгаши раиси ўринбосари, таркибий булинма раҳбарлари, таркибий булинмалар томонидан тайинланган хотин кизлар буйича етакчилар.

КУН ТАРТИБИ

“Ўзметкомбинат” АЖ хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш бўйича маслаҳат-кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Р.Пирматов, А.Шарипов, М.Холикова, Ш.Мирбабаева)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022-йил 28-декабрдаги SQ-682-IV-сонли карори билан давлат органларида Гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан катъий топшириклар белтилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мазкур топшириғи ижроси юзасидан Оила ва хотин-кизлар кўмитаси томонидан "Давлат органларида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низом" ишлаб чиқилди.

Мазкур низом билан давлат органларида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук; ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари (кейинги ўрнларда Маслаҳат-кенгашин) асосий вазифалари, функциялари, хуқук ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартиби белтиланти.

Маслаҳат-кенгashi ўз фаолиятини жамоатчилик асосида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат хукукларини химоя килиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, жинси бўйича бевосита ёки билосигта камситилишини бартараф этишда кўмаклашиш максадида давлат органи раҳбарининг бўйруғи билан ташкил этилиши, давлат органларининг худудий тузилмалари ҳамда илоравий мансуб ташкилотларида алоҳида Маслаҳат кенгашлари тузилиши, уларнинг фаолияти мазкур намунавий низомга мувоффик ишлаб чиқилган низом асосида амалга оширилиши ва бу борада жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга кўйилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, маслаҳат-кенгashi ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига тўғрисида"ги, "Хотин-кизларни тазиқ; ва зўравошлидан химоя килиш тўғрисида"ги Конутилари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-хукуқий қўжатлар ҳамда Оила ва хотин-кизлар кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган низом асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан “Ўзметкомбинат”АЖ меҳнат жамоаси ўртасида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш максадида комбинатнинг Гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашин жамоатчилик тузилмасини ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан иштироқчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва билдирган таклифлари ишбатга олинган ҳолда, йигилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022-йил 28-декабрдаги SQ-682-IV-сонли карори раҳбарлик ва ижро учун кабул килинсин.

2. “Ўзметкомбинат”АЖнинг хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш бўйича маслаҳат-кенгаш органи жамоатчилик тузилмаси (кейинги ўрнларда - Маслаҳат-кенгashi) таркиби иловага мувоффик;

3. Куйидагилар Маслаҳат-кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгиланганилиги маълумот учун кабул килинсин:

“Ўзметкомбинат”АЖнинг ваколати доирасида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук; ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-гадирилар кўриш;

“Ўзметкомбинат”АЖ меҳнат жамоасининг хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда конуний манфаатларини химоя килиш,

уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этилишга кўмаклашиш, оиласидаги ижтимоий-маънавий мухитини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-иктиносидий, сиёсий фаоллигини, хукукий, маънавий, интеллектуал билимларини ошириш соҳасидаги давлат ластиурларини, миллий харакатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чикиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

“Ўзметкомбинат” АЖнинг меҳнат жамоасида жинс бўйича бевосита ва бильвосита каментишга олиб келиши мумкин бўлган холлар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва аҳборотни мунтазам равишда йиғишини ҳамда тахлил килишини таъминлаш; комбинат хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чикиш ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўришда иштирок этиш;

Хотин-кизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг қасбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришда кўмаклашиш; хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фукароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўришда кўмаклашиш; хотин-кизлар ва эркаклар қасбий ва оиласидаги маъжбуриятларни бирга бажариши, хавфсиз, Қўлай ва муносаб меҳнат шароитларининг яратишда, шу жумладан ҳам оналарга, ҳам оталарга бола парвариши учун таътил берни орқали шарт-шароитлар яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

Гендер сиёсатини амалга оширилишини таъминлашга доир вактинчалик маҳсус чораларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш; хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича аҳборот-маърифий тадбирларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама кўллаб-куватлашша иштирок этиш;

Комбинатнинг фаолият жарабёнини гендер тенглик нуткан низаридан мониторинг килиш ва баҳолашда фаол иштирок этиш; “Ўзметкомбинат” АЖга ишга кириш мақсадида мурожаат килиган номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат ёки бошқа жараёнларда иш берувчи томонидан гендер генглик асосида вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар заҳирасини шакллантиришда иштирок этиш;

Рахбарлик лавозимларига иктидорли, талабчан ва маъсұлиятли аёллар ва эркаклар номзодларини тавсия килинишини таъминлаш; ҳолимларнинг хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук ва эркинликлари борасида хотин-кизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга кўйиш, ишга жойлаштириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш мақсадида эрек ва аёллар бандлигини таъминлашда имкониятлар яратиш, қасбий салоҳияти ва меҳнат фаолиятини ошириш, қасбий маҳоратини юксалтириб бориш учун шарт-шароитларини яратиш, малакасини оширишда кўмаклашиш;

Бир хил лавозимларда ишлайдиган хотин-кизлар ва эркакларга облик иш ҳаки ва унга тенгташтирилган бошқа тўловлар тенг тўланишини мониторинг килиш;

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича бошқа корхона ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари шунингдек, ўрнатилган тартибида ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик килиш.

Маслаҳат-кенгаси хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук, ҳамла имкониятларни яратиш мақсадида асосий фаолият йўналишлари сифатида конунда тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилashi ҳамда амалга ошириши мумкин.

4. “Ўзметкомбинат” АЖ маданият саройи биносининг 2-каватида оила ва хотин-кизлар бўлими негизида комбинатнинг Маслаҳат-кенгаси фаолияти учун хона ажратилиши белгилаб кўйилсан.

5. Маслаҳат-кенгаси (Ш.Мирбабаева)га Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-кизлар кўмитаси томонидан ишлаб чиқишиган “Давлат органларида хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хукук: ҳамла имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгаси органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом” таъбларига мос риоя этилишини ва Маслаҳат-Кенгасининг асосий вазифалари ва функциялари ҳамда хукук ва мажбуриятлари амалга оширилишини таъминлаш бўйича шахсий маъсұлият юклансин.

6. “Ўзметкомбинат” АЖ матбуот хизмати (С.Шералиева)га Маслаҳат-кенгаси томонидан амалга оширилган чора-тадбирларни матбуот ва оммавий аҳборот воситаларида кенг ёритиб бориш вазифаси

7. Мазкур йигилиш баёни ижросини назорат килиш “Ўзметкомбинат” АЖ аёллар кенгаси раиси М.Холикова зиммасига юклансин.

Баёнлаштирувчи:



Ш.Мирбабаева

“Ўзметкомбинат”АЖ
2023-йил 7-августдаги
йиғилиш баёнига лова

“Ўзметкомбинат” АЖ хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг хуқук
имкониятларни таъминлаш масалаларига қўмаклашиш бўйича маслаҳат-
кенгаш органи жамоатчилик тузилмаси
ТАРКИБИ

| № | Маслаҳат-кенгаш органи Жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг Ф.И.Ш | Маслаҳат-кенгаш органи жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг иш жойи ва лавозими |
|-----------------|--|--|
| 1. | Ш.Мирбабаева | “Ўзметкомбинат”АЖ аёллар кенгashi раиси ўринбосари, маслаҳат-кенгаш органи жамоатчилик тузилмаси раҳбари |
| Аъзолари | | |
| 2. | Г.Абдуллаева | “Металлург” маданият саройи директори |
| 3. | М.Жураева | Тажриба конструкторлик лабораторияси мухандис |
| 4. | Д.Насруллаева | Комбинат марказий лабораторияси лобаранти |
| 5. | Э.Акрамова | Метал конструкциялар цехи мухандиси |
| 6. | Т.Джураева | Халк истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи |